

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“ЕУТТ ва Э” кафедраси

ТВИТ йўналиши 26-09 КТ (ЕСМТ) гуруҳи талабаси

Алиева Дилнозанинг

«Костюм ва мода тарихи» фанидан “Хитой костюми” бўлими

мавзуларини педагогик технологиялар асосида ўқитиш

услубиёти

мавзусидаги

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

Annotatsiya.

Aliyeva Dilnoza Bitiruv malakaviy ishi.

Bitiruv malakaviy ishda Hitoy kostyumi bo'limi haqidama'lumotlar ko'rib chiqilgan, takomillashtirilgan. Kerakli xisob ishlari va chizmalari bajarilgan.

Bet , 73

Chizma 13 ta,

jadval 10 ta,

adabiyot 14 ta.

Аннотация

Алиева Дилноза выпускная квалификационный работа. Выпускная квалификационный на работе Китайский костюм технологическое процессов увидев выходили, усовершенствованный. Нелишний расчет дела и чертежей исполненный.

Страница 73

Чертеж 13

Таблица 10

Литература 14

Annotation.

The finally practically work of Aliyeva D.

The developed technologic process in Steel and mode. Need works and draws was done.

Page 73

Draws 13

Literature 10

Itinerary 14

Мундарижа.

1. Кириш
2. Асосий қисм
3. Хорижий инвестиция
4. Мехнаини муҳофаза қилиш бўлими
5. Хулоса
6. Фойдаланилган адабиётлар
7. Иловалар

Кириш

Ўзбекистон Республикаси жаҳон харитасида Осиё китасининг марказида янги мустақил давлат сифатида тобора кўпроқ тилга тушмоқда. Ривожланган давлатлар сафидан урин олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Республикамиз халқ хужалигининг барча тармоқлари қаби таълим соҳасида ҳам илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозаси даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда. Бу шарафли вазифани бажариш уқитувчилар зиммасига тушади. Шу сабабли юксак малакали уқитувчилар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш мақсадларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада 1997 йилда тарихий, ҳужжат Республикамизда Таълим тугрисидаги "Қонун" ва "Қадирлар тайёрлаш Миллий дастури" тизимини ислох қилишнинг ташкилий, илмий ва методик асоси бўлиб, асосий мақсади-қомил инсон ва етук малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдир.

Мазкур ҳужжат талабларини амалга ошириш эса таълим тизимини тубдан қайта қуришни, яъни халқ таълими таракқиётининг концептуал қоидаларини қайта қуриб чиқишни ва уни қисқа вақт ичида ижобий ҳал қилишни тақозо этади. Бу вазифаларни ҳал этилиши жаҳон илмий ҷамғармасидаги жуда катта ҳажимли ахборот фондидан нимани ажратиб олиш, қанча ва қандай уқитиш масалалари ечими билан бевосита боғлиқдир. Ана шу қесимда таълим технологияларини, жорий этиш билан алоқадор замонавий муаммолар ойдинлашади.

Таълим мазмуни давлат таълим стандартлаи, уқув дастурлари, дарслик ва уқув қўлланмаларида ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан олимларимизга фан соҳалари бўйича таълим мазмунини ишлаб чиқиш қаби шарафли ва маъсулиятли вазифа юқлатилди.

2013 йилга қадар утган давр ичида қадирлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг тузилмавий ҳолда функционал ислохати амалга оширилди.

Малакали педагог қадирлар тайёрлаш ишларининг қўллами қенгайди. Олий оттестатция комиссияси томонидан олимлар тайёрлашнинг мутлақо янги

йуналишларини очиш тугрисида қарор қабул қилинди.

Ҳозирги замонавий босқичда олий таълим муассасаларида касб ҳунар коллежларида янги педагогик ва ахборот технологияларини, ҳамда замонавий уқув услубий, интерфаол усулларини кенг қўллаш қўзда тутилган.

Дарс жараёнида замонавий ахборот технологиялари, интернет, аўтоматлаштирилган технологик жараёнларини қўллаш шулар жумласидандир.

Президентимиз И.А.Қаримовни таклифи билан 2013 йилни "Обод турмуш йили" деб номланди бундан асосий мақсад аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш янги замонавий турар жой биноларини қўришдан иборат бу ишларни узимизни вилоятимизда қилинаётган ишлар мисолида қўришимиз мумкин.

Республикаимиз Президентининг 2012 йил 10- декабрда, "чет тилларини урганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тугрисида"ги қарори эълон қилинди. Бу қарорда мамлакатда чет тилларига ўқитишнинг комплекс тизими, яъни ўйгун қамол топган, ўқимишли замонавий фикирловчи ёш авлодни шакиллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашиувига йўналтирилган тизим яратиш қўзда тутилган.

Битирув малакали ишимнинг асосий вазифаси Хитой қостюмига оид масалалар баёни ва бу мавзунини талабаларга ўргатишда педагогик технология усулларини қўллаш ишларини ёритишдан иборат.

Ишнинг асосий мақсади эса ўқитиш давомида олган билимларимизни мустаҳкамлаш, ижодий риавожлантиришдан ва қелажакда ҳаётга қўллаш, ҳамда талабаларни мустақил ишлашга ўргатишдан иборатдир.

Асосий қисм

Хитой маданияти 4000 йил илгари вужудга келганди. Унинг маданияти Миср маданияти билан рақиблик қилиши мумкин. Агар Миср маданиятидан фақат ёдгорликлар қолган бўлса (эхромлар, ибодатхоналар ва санъат асарлари), Хитой маданиятини васиятлари эса ҳозирги замонгача узгармасдан қолди (тил, ёзув, мусиқа ва бошқалар).

Хитойда феодал тузуми милoddан аввалги В-ИИИ (айрим маълумотлар бўйича XII - ВИИИ) асрларда ташкил этилгандан бери бу милoddни XIX асрни ярмигача оъзгармасдан қолганди. Хитой маданияти ривожланишида қоъшни мамлакатлар цивилизациясининг таъсири деярли бўлмаган эди. Хитойнинг майда вилоятлари Богдоъханнынг ҳукумдорлигига сизинишарди. У оъзини Осмон огли, мамлакатни эса - Дунёвий (Джоънго) деб ҳисобларди.

Хитойда давлат хизмати, сарой қоидалари, ҳаёт, кийиниш одати давлат томонидан қатъий қонунлаштирилганди. Хитойликларнинг дунёқарошига ва тафаккурига бир неча фалсафий оқимлар ва динлар таъсир этган. Милoddан аввалги биринчи минг йилликда мавжуд бўлган фалсафий оқимлардан бири "Даосизм" (дао цзя) эди. Унинг асосчиси Лао-Цзи бўлганди. Унинг асосий фикри - дао (йул) талимоти эди - Кионотнинг уз-уздан вужудга келиши, ривожланиши ва барбод бўлишининг азалий, табиий ва умумий қонуни

Конфуцианлик (жу цзя) - этник - сиёсий таълимот. Унинг асосида аждодларни ҳурмат қилиш турарди. Бу фалсафий оқим кейин динга айланди. Кейин Урта Осиё орқали Хитойга асосий дин бўлиб буддизм кириб келди.

Қадимий Хитой фалсафалари табиатнинг қарама - қаршилигини (Ян – ёруглик, Ин - қоронгулик) тан олганди, аммо курашда эмас, балки мувозанатда, осойишталикда, қушилишди. Уларнинг тасаввурида дунё тзулишининг асосида эркак - ян ва аёлни омилларнинг ижодий узаро алоқаси бўлган. "И цзин" (узгаришлар китоби) қадимий Хитойликларнинг дунё тушунишида маъно суз билан эмас, рамзий ишоралар билан ифодаланарди.

1. Дунё тзулиши диалектикасининг график рамзлари:

Узлуксиз эркаклар кучи - Янни акс этади; Узлукли чизик аёл кучи - Инни акс этади.

Ян уз мохиятини бирликда, Ин - куплигига курсатади. Барча дунё воқеалари эркак ва аёллар кучларининг узаро аълоқаси натижасида булгани учун, уларнинг ҳаммаси оддий белгили чизикларнинг бирикмалари билан ифодаланиши мумкин: эркак кучини мутлақо ҳукумдорлигини барбод булиш чегарасида, улуг Ян, Ёз; аёллар кучини мутлақо ҳукумдорлигини барбод булиш чегарасида, улуг Ин, Киш; эркаклар кучининг усиш рамзи, ёз Ян, Баҳор; аёллар кучининг усиш рамзи, ёз Ин, куз.

Қоронгулик ва ёруглик - бу бир-бирига интилаётган кучлар, улар бир-бирининг урнига келади. Ер билан Осмон ижодий ҳаракатда кушилганда, шу цикл авжига ётган деб ҳисобланади. Айни шу воқеа қадимий Хитойнинг белги рамзлари ва нақшларнинг асоси булган. Шу сабабдан булут тасмалар, тулқинли жингалаклар, момақалдирок спираллар, булут ва чакмоқни тугдирадиган аждаҳолар хитой костюмининг безагининг доимий элементлари булган. Улар қадим - қадим утмишдан урта асрларга келган ва ҳозирги замонгача сақланиб қолган.

Геометрик шакллар рамзи.

Қадимий хитойликлар тасаввурида Осмон доира шаклда, чунки, у бир чизик чегарасида берк, боши ва охири йуқ ва Осмоннинг чексизлигини ифодалайди.

Ер - квадрат (4 томон ва 4 бурчак), ернинг чегараси бор, шунинг учун квадратни ҳар томони бурчак билан якунланади.

Ушбу шакллар ер ва осмоннинг физик ҳолатини тасвири эмас, акс ҳолда, уларнинг фақат геометрик ишоралари ва космик омилларининг моҳияти. Шу иккита шакллар қушимчаси санъатда ва костюмда куп учрайди.

Сон рамзлари.

"И цзин" да Осмон ва ер сон рамзлари қуйидагича булган: Осмон - 1, 3, 5, 7, 9; ер - 2, 4, 6, 8, 10. Демак, унни мобайнида тоқ сонлар - Янни, жуфт сонлар - Ин ни рамзи булган. Осмон сонлари бешта, ер сонлари ҳам бешта эди. Бу сонлар қушилиб Металл - "Цзин ", Дарахт - "Му", Сув - "Шуй", Олов - "Хо" ва ер - "Ту" ни яратади. Демак, 5 табиий кучнинг айланишига иккита асосий сабаб булганди.

9 - Ян чизиқнинг номи, 3 - Ян соннинг рамзи, 6 - Ин чизиқнинг номи, 1 – Осмон рамзи, чунки у битта чизиқ билан ифодаланади, 4 - ер рамзи, чунки у 4 чизиқ билан (квадрат) ифодаланади. Костюмда шакл сон ва рамз ишоралари кенг қўлланганди.

Қўшилган доира ва квадрат шаклли (ер ва осмон қўшилганлигини ифодалайди) император бош кийимида 5 нефрит ҳар хил рангли осилчоқлар қилинганди, улар 5 табиий кучларнинг рамзи эди. Эркакларнинг кийимида тугмалар сони тоқ, аёлларникида жуфт қилинарди; эркаклар ҳолатининг олдида 8 аждаҳонинг тасвири бўлса, 9 - си еса орқасида қилинарди.

Ранг рамзлари.

Геометрик шакл ва сонлар "тилига" нисбатан ранг ишоралари одамнинг туйғусига зур таъсир этар эди. Аммо улар қарама - қарши ва мураккаб бўлган. Мисол учун, агар Осмон - Ян - Коинотнинг ёрқин омили, ер - ИН унга қарма - қарши деб ҳисобланса, у ҳолда нима сабабдан Осмон қора - бинафша ёки қора, ер – сариқ ранг рамзи билан ифодаланганлигини тушуниш қийин.

Иккита омилнинг узаро алоқаси билан тугилган 5 табиий куч рамзлари; яшил ранг - Баҳор ранги, ёш усимлик ва япроқлар ранги; табиий куч дарахт - Муни моҳиятини акс этувчи ранг; Баҳор - йилнинг боши; Шарқ - кун чиқадиган жой, шунинг учун яшил, тугилиш ва ёшликнинг рамзи; Юпитер сайёранинг - кукимтир - яшил ранги; қизил ранг - Ёз, Олов - Хо, Жануб ва Марс сайёрасининг рамзлари; оқ ранг - Куз рамзи, у пайтда омборлар оқ гуруч билан тулади; кузга табиий куч металл - Цзин мос келади (қайралган болта тигининг ранги); бу гарб - учган, қуёш ботадиган томони ва улган одамларнинг кетадиган жойи (мотам кийимлари оқ рангли қилинарди); Ой ва Зухра - Венеранинг ("Тайбо" - "буюк оқ" - металл юлдузи) нурлари; қора ранг - Қиш ранги, энг қоронгу даврни, зимистон салтанат - Шимол ранги, ёрқин эмас Меркурий ранги, табиий куч сув - Шуйни ранги, сариқ ранг - ёз фаслининг охири ранги, дон экинларнинг етилиши, ҳосил тугдирадиган тупроқ ранги, табиий куч ер - Тунинг рамзи, бу марказ рамзи, яъни ерни; Сатурн сайёрасининг рамзи (деҳкончилик худоси).

Усимликлар ва тирик жонларнинг рамзлари.

Хитойда Осмон ва ернинг антропоморфик тасвирлари йук. Одамларни Осмон ва ер шунчалик қизиқтирмасдан, балки уларнинг қушилиши - никоҳи қизиқтирарди. Шундан хитойликларнинг тасаввури келиб чиққан: аждаҳо – ёмгир ҳукумдори, эркак моҳияти эди. Аждаҳони булутлар орасида парвоз қилиб юргани ёки тулқинлараро сузгани ва шу вақтда елкасидан ва буксасидан аланга чиқиб тургани тасвир этиларди. Сув - унинг ташқи, Олов - ички мухитининг рамзи деб ҳисобланарди. Шундай қилиб, аждаҳо икки қарама - қарши кучларни: ер - Осмон ва Олов - Сувни бирлигини курсатарди. Алангали дур - шарсимон чақмоқни эслатадиган мома - қалдиروق симоси булган.

Аждаҳо - қуёв рамзи булган, бақа ва қуён - абадий элексир билан боглик; куршапалак - бахт, соғлик, саховат; хуроз - қуёшга сизиниш билан боглик; бугу - мартабани ошириш рамзи; зогорабалик - муваффақият тилаш рамзи; анор - куп бола тилаш рамзи; шафтоли - куп йил яшаш истакларининг рамзи ва бошқалар.

Қадимий Хитой костюмининг оддий шаклининг пайдо булишига одамларнинг хужалик ишлари, хом - ашё имкониятлари ва инсон иқлим шароитлари сабаб булганди. Тантанали ва расмий кийимларнинг шакллари оддий кийимлардан узлаштирилганди. Улар, бичими бир хил булгани ҳолда, матоси, безаклари ва арзимас конструктив фарқлари билан ажралиб турарди.

Хитойликлар кийимлари ички ва устки, елка ва бел кийимларидан иборат эди.

Елка кийими. Одатда хитойликлар елка кийимларининг олди очик булган. Ички ва устки кийимларнинг бичим асоси бир хил булган. Конструктив хусусиятлари буйича барча кийимлари икки турга булинади:

- биринчи тури шарқи-осиё тури - туникасимон бичилган, олд ва орқа булакларининг узунлиги тенг, елкасида иккига букланган икки эн матодан тикилган кийим эди; матонинг энига қараб энги ҳам бичиларди, етмаган узунлигига қушимча мато булаг икиларди; Рим туникасидан ва япон кимоносидан бу бичим станни қултиги юмалоқланганлиги билан

фарқланарди; Урта Осиё кийимларидан орқасида урта чоки борлиги билан фарқланарди;

- одатдаги хитой кийимининг иккинчи тури ҳам олди очик ва орқа урта чокли булган, лекин уларда қияланган елка чоки қилинарди; шу сабабдан уларнинг олд ва орқа булаклари алоҳида бичиларди.

Ушбу икки тур кийимларнинг симметрик ва ассиметрик бичимлари буларди. Симметрик бичимда олд булаклари учма - уч булган, ассиметрик бичимда эса, чап олд қисмига қушимча булак уланарди, унг булаги куринмаслиги учун калтароқ қилинарди.

Шарқий - осиё бичим туридаги симметрик кийимларга эркак ва аёлларнинг ички ва устки куйлаклари киради, ассиметрик кийимларига эса эркак ва аёллар халатлари ва ички икки бортли кофталар киради.

Елка чокли кийимларга нимчанинг барча турлари, ёни тикилмаган симметрик бичимли эркаклар ички кийими ва аёллар кукрагини сиқиб турадиган ички куйлаги киради.

Дарс утиш жорайони педагогик технологияларни куллаш

Хозирги кунда Ўзбекистан Республикаси мустакил демократик ҳукукий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари дадил бораётганлиги сабабли кадрлар тайёрлаш соҳаси тубдан ислох қилинди ва сиёсатида фуқаролик манфати, таълим устиворлиги шаклланди «Кадрлар тайёрлаш Миллий дасури» ни амалга ошириш шартларидан бири – бу уқув тарбиявий жараёнини педагогик технологиялар билан қуроллантириш заруратидир, шунинг учун биз бу педагогик технологиянинг яратилиши ва тараккий этиш жараёнини урганишга тарихий ёндашмоғимизни талаб этади.

Республикамызда «кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида» жамиятнинг имкониятларидан фойдаланиш, маънавий ва маърифий салоҳиятини шакллантиришни босқичма – босқич амалга оширишдир. Фуқаролик жамиятининг концепцияси таълим – тарбия соҳаларини юксалтириш, педагогик технологияларни амалиётда куллаш билан узвий боғлиқдир. Биз педагогик технологиядан фойдаланишдан олдин унинг мазмунини нимадан иборат эканлигини билиб олишимиз керак.

Педагогик технология таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида уқитиш ва билимларни узлаштириш жараёнининг инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаши, уларнинг узаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган аниқ мақсадли амалларни муайян кетма – кет бажаришни қўзда тутди.

Таълим жараёнига татбиқ қилинадиган ҳар қандай педагогик технология, унинг компонентлари ҳоҳ таълим мазмуни, ҳоҳ уқув дастури ёки дарслик, ҳоҳ уқитувчи орқали ўтмишдан қатъий назар, уқитувчининг жонли тарздаги эркин ва ижодий фаолиятини жадал ривожлантиришга хизмат қилишига эришиш талаб қилади. Бунда педагогик технологиялар биринчи навбатда, ҳар бир уқувчи талабанинг бошқа уқувчи талабалар дарс материаллари ҳамда уқитувчи билан эркин мулоқот қилишни, фикр алмашишни таъминлади. Илғор педагогик технологиялар педагогик амалиётнинг уқувчи ёки, табиат ва жамият ҳодисаларини, кишилиқ жамияти ва ахлоқ - одобини, муайян асосларини танишувчи шакли сифатида намоён бўлиши лозим.

Инсон мақсадга етишда бир неча, баъзан эса унлаб юзлаб тусиқларни йенгишга тўғри келади. Бу тусиқларни йенгиш учун тегишли усуллар маълум бир тизимда қўлланади. Усулларни маълум бир тизимда қўллаш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақоми муайян мақсад курсаткичларига бўйсундирилади. Ундан ташқари, инсон мақсадга етиш жараёнида бир қатор қонуниятларга ҳам таъйин сифатида амал қилади.

Мен битирув малакавий ишимда педагогик технологиянинг усулларида бири «Ишбop уйини» усулини танлаб олдим

«Ишбop уйини» усули берилган топшириқларга қўра ёки уйин иштирокчилари томонидан таъйинланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик

карорларини қабул қилишни имитация қилиш (таклид, акс эттириш) усули ҳисобланади.

Уйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳуқуқ–атвори ва ижтимоий вазифаларни имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан уйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралик натижаларга қўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп уйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади.

Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва уйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим.

Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп уйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал – гуруҳли характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Уйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади. Қуйида «Ишбоп уйин» усулининг тузилмаси келтирилган.

Уйин шартлари ва баҳолаш мезонлари
билан таништириш.

Вазифаларни тақсимлаш

Уйинни амладга ошириш

Вазифалар бўйича иштирокчилар қарор қабул
қиладиларМухокама қилиш

«Ишбоб уйин» усулининг босқичлари қуйидагилардан
иборат:

Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларини аниқлайди.
Қатнашчилар учун йуриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.
Таълим олувчиларни уйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш
мезонлари билан таништиради.
Таълим олувчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслахатлар беради.

Таълим олувчилар уз роллари буйича тайёргарлик курадилар.

Таълим олувчилар тасдиқланган шартларга биноан уйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи уйин жараёнига аралашмасдан кузатади.

Уйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хулосалари тингланади, фикр – мулохазалар айтилади.

Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Хар бир рулни ижро этувчи уз вазифасини тугри бажариши, берилган вазиятда узини кандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини курсата олиши керак.

«Ишбоб уйин» усулининг афзалликлари:

Таълим олувчиларнинг билимларини ва тажрибаларини уз карашлари ва ҳуққлари орқали ифода этишга ёрдам беради;

Таълим олувчининг бошлангич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади.

Таълим олувчилар уз билимлари доирасидан келиб чиққан ҳолда имкониятларини намойиш этишлари учун шароит яратилади.

«Ишбоб ойин» Усулининг қамчиликлари:

Таълим берувчидан ктга тайёргарликни талаб этади;

Вакт қуп сарфланади;

Танланган мавзу таълим олувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;

Таълим олувчининг ҳис – ҳаяжони тугри қарор қабул қилишга ҳалакит бериши мумкин.

“Ишбоп ўйин” усулининг технологик харитаси

10-жадвал

№	Боскичлар	Таълим берувчи фаолияти	Таълим олувчи фаолияти
1	Мотивация	Машгулот максоди ва вазифалари билан таништилади	Тинглайди
2	Гурухларга ажратиш	3 та грух, ташкил этади	3 та кичик грух ташкил этишади
3	Вазифаларни таксимлаш	«Хитой рамзий ишорлари» «Хитой костюмлари» «бош ва оёк кийимлари» сузлари ёзилган каторчалар оркали вазифаларни таксимлайди	Грух аъзолари азифаларини қабул қилиб оладилар
4	Гурухларда ишлаш	Курсатмалар беради ва йуналтиради	Вазифалар бўйича гурух аъзолари қарор қабул қиладилар
5	Ўйинни амалга ошириш	Гурухни бошқаради	Кичик гурух аъзолари берилган вазифани бажарадилар
6	Гурухлар ишини муҳокама қилиш	Кичик гурухлар ишини муҳокама қиладилар ва тулдиради	Кичик гурухлар бир-бирини ишини муҳокама қиладилар, фикр мулоҳазаларини баён этади
5	Гурухлар ишини баҳолаш	Саволларга жавоб беради, гурух аъзоларини аҳолайди ва машгулотга яқун ясайди	Саволлар беради

Хорижий инвестиция бўлими

Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-хунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этиш масаласини текшириш бўйича олиб борилган кенг қўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янги касб - хунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди.

2012–2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

Касб - хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди. Мана шу имкониятдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб, барча туман ва шаҳарлар, касб-хунар коллежлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига бугунги кунда мутлақ кўпчилик оилаларимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётган ушбу масъулиятли ишга қўшган ҳиссаси учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ўтган даврда ўрта махсус, касб - хунар таълими муассасаларини малакали, педагогик ва амалий иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва ўқитувчи кадрлар билан янада мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди.

2012 йилда 687 та касб-ҳунар коллежининг директори аттестациядан ўтказилди. Бунинг натижасида уларнинг 119 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг барча ўқув муассасалари танловлар орқали саралаб олинган раҳбар кадрлар билан тўлиқ таъминланди.

Етарли касбий кўникма ва малакага эга бўлмаган 2 минг 100 нафардан зиёд ишлаб чиқариш таълими устаси ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган малакали кадрлар билан алмаштирилди. Барча раҳбар ва педагог кадрларнинг 21 минг 700 нафардан ортиғи ёки 18 фоизи ўтган йили махсус курсларда ўз малакасини оширди. Ўтган йили мамлакатимизда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича бир поғонали тизимни ислоҳ қилиш ҳамда жорий этиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилмоқда.

Илмий кенгашлар асосан нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш маскани, айтилиши вақтда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланиши лозим бўлган етакчи олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг ташкилий тузилиши ва унинг низоми тубдан қайта кўриб чиқилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилмоқда. Рейтинг тузиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига юкланади. Ушбу марказ рейтинг баҳоларини тузишнинг ҳозирча вақтинчалик тасдиқланган методикаси асосида Ҳукуматга мамлакатимизда олий таълимнинг қандай ривожланаётгани тўғрисида ҳар йили таҳлилий маълумотлар тақдим этади.

Олий ўқув юртлари фаолияти баҳоланадиган мезонларни шакллантиришда олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати ва илмий салоҳият даражаси индексига асосий эътибор қаратилади ва уларнинг ҳар бири натижасига кўра, 35 фоиздан энг юқори баллар қўйилади.

Шунингдек, талаба ва битирувчиларнинг иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш натижасида аниқланадиган малака индексига алоҳида аҳамият берилади ва бу кўрсаткич 20 фоиз билан баҳоланади. Қолган 10 фоиз бошқа кўрсаткичлар бўйича берилади.

Рейтинг тизимини жорий этишнинг маъноси ва аҳамияти фақат ҳар бир олий ўқув юртининг мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида қандай ўринни эгаллаб тургани ҳақида холис маълумотга эга бўлишдан иборат эмас. Энг асосийси, шу аснода олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, шунингдек, ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади. Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инссад” халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган.

Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатадаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган.

Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – шунга эътибор беринглар – дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган.

Мехнатни муҳофаза қилиш бўлими


Технологик жихозларни ишлатилишини таҳлил қилиш

"Кичик ёшдаги қизчалар пальтосини конструкциялаш"да технология жихоз-ларини ишлатиш бўлими қуйидагилардан иборат: материалларни ўлчаш бўли-ми, бичиш бўлими, тикиш бўлими, примерка бўлими, дазмоллаш бўлими, тайёр маҳсулотлар бўлими.

Юқорида кўрсатилган бўлимларда ўлчаш машинаси, материал қирғоғони қирқиш машинаси, бичув машинаси, тикув машиналари, оверлок машинаси, махсус машина дазмоллар 2та, маникенлар 4та ва вешилкалар мавжуд.

Бўлимда 10 та ишчи ишлайди. Бинони ўлчамлари: ени 12м, узунлиги 18м. ($12 \times 18 = 216 \text{м}^2$), эни баландлиги 8 м.

Қуйидаги колонкалар сеткаси ишлатилган (5-расм).




5 Расм . Лойихалаш бўлимида жихозларни жойлашишини ўрни кўрсатилган:

1. Ўлчаш машинаси
2. Материал қирғоғини қирқиш машинаси
3. Бичув машинаси
4. Тикув машинаси
5. Аверлок машинаси
6. Махсус машина
7. Дазмоллар
8. Маникенлар
9. Жавонлар

**Лойихалаштирилаётган бўлимни иш шароитини анализ
қилиш ва хавфли зарарли факторларни аниқлаш.**

2.1. Енги саноат технология жихозларини ишлатиш бинонинг вентилляцияси. Бинонинг ўлчамлари юқорида кўрсатилган шу бинода соғлом хаво мухитини ташкил этиш учун бизда хавони бериш ва сўриб олиш вентилляция системаси ташкил этилган. 6-расмда бинодаги вентилляция схемаси кўрсатилган.




6 Расм. Хавони бериш ва хавони сўриб олиш схемаси.

1. Вентелятор.
2. Калорифер ёки кондиционер
3. Фильтр
4. Диффлектор
5. Хаво ўтказгич

Енгил санот технологияларини лойихалаш биносини ёритилиши.

Биз норма бўйича 300-500 люксгача ёритилишини ташкил этишимиз керак. Буни таъминлаш учун табиий ва сунъий ёритилиш ташкил этилган таби-ий ёритилишда ён томондан амалга оширилади яъни деразаларни ойнагидан $K_{\text{эф}}=1-3\%$ бўлиши керак.

Бундан ташқари бўлимда сунъий ёритилишда юқори ва жорий ёритиш ташкил этилган. Юқори ёритилишни таъминлаш учун биз люминисцент лампалар ўрнатганмиз. Уин маркаси ДРЛ. Жорий тикув машиналарида ва бошқа ускуналарда ёритилиш 800-900 люкени таъминлайди. Уларни жойлаштириш 7-расмда кўрсатилган.




7 Расм. Бир теккиз тахсимланган эритилиш системаси.

О Лампочкани жойлаштириш

20-расмда ДРЛ лампалар ЛДО ёритгич кўрсатилган.

Объектда ишни аниқлик аниқ ишга кирадида ва кўриш шароити разряди объект ўлчамлари бўйича уни размерлари 1-3 мм тенг бўлади, бундан ташқари ёритилганлик даражаси, яъни объект ва фон контрактиги аниқланади.



8 Расм . ЛДО туридаги ёритгичлар.

1.4. Шовқин, титраш ва уни камайтириш тадбирлари.

Бўлимда шовқин ва титрашни ҳосил қиладиган бичув, тикув, аверлок машиналари мавжуд.


Шовқин ва титрашни камайтириш учун машиналар ҳар доим вақтида мойланади. Вентилятор, кондиционер кўча томонда жойлашган ва уни шовқини ишчиларга таъсир этмайди.

2. Электр хавфсизлигини таъминлаш. Хамма технологик жараёнда қатнашадиган машиналар электр токида ишлайди. Шунинг учун ишчилар электр шикастланишига учраш мумкин.


Электр хавфсизлигини таъминлаш учун бўлимда қуйидаги хавфсизлик

- чоралари қабул қилинган:
- ерга улаш химояси
- нолга улаш химояси
- ўчириш блокировкаси

9-10-расмда ерга улаш ва нолга улаш химоясини электрик схемаси келтирилган




9 Расм. Ерга улаш химояси.



10 Расм. Нолга улаш химояси

Қурилма тупроққа киритилган бўлиб, токнинг тарқалиш тезлиги $P=102$ Ом тенг, $d=50$ мм, $l=19$ м. Маълумки, ҳисобга олувчи коэффициент $K2=1,3$.

Турбалар бир-бири билан пўлат орқали (80x8 мм) бириктирилган тупроққа $t_0=1,5$ м чуқурликка қўмилган. Ерга улаш ва химоясини электр схемаси 11-расмда берилган



11 Расм. Ерга улаш ва химоясини электр схемаси

Трубани сунъий улаш қурилманинг тарқалиш қаршилиги қуйидаги формула билан топилади:

$$R_{mm} = \frac{P}{2\pi l} \left(\ln \frac{2l}{d} + \frac{1}{2} \ln \frac{4t+l}{4t-l} \right) = \frac{100}{2 \cdot 3,14 \cdot 19} \left(\ln \frac{2 \cdot 19}{0,05} + \frac{1}{2} \ln \frac{4 \cdot 11 + 19}{4 \cdot 11 - 19} \right) = 35,1 \text{ Ом}$$

Бу ерда t - турба билан ер орасидаги масофа $t=11$ м

Бу қуйидагига тенг

$$T=t_0+0.5 \cdot l=1.5+0.5 \cdot 19= 11 \text{ м}$$

Турбалар орасидаги масофа қилиб қабул қиламиз. Тупроқн мавсум ўзгариши билан ўзгариши ҳисобга олиган ҳолда қаршилиқ топилади.

$$R_{mp} = R_{mm} \cdot K_a = 35.2 \cdot 1.3 = 45 \text{ Ом}$$

Турбалар сони қуйидаги формуладан топилади

$$N_{mm} = \frac{K_{mp}}{R_n \cdot \eta_{o.m.p.}}$$

Турбалар орасидаги $d=6$ масофа бўлганда уларни бирлаштирувчи қатор узунлиги қуйидагича бўлади.

$$l_n - 1,05 \cdot a(n-1) = 1,05 \cdot 6(5-1) = 25 \text{ м}$$

$$R_n = 4.75 \text{ Ом}$$

Бирлаштирувчи қаторни ток ўтишига қаршилигига тенг

$$R_n = \frac{P}{2\pi l \cdot \ln} \cdot \ln \frac{2l^2}{B \cdot t} = \frac{100}{2 \cdot 3,14 \cdot 25,2} \cdot \ln \frac{2 \cdot 25,2}{0,04 \cdot 82} = 4,75 \text{ Ом}$$

Бу ерда В-қатор баландлиги м.

Тупроқ қалинлигига қарқб мавсумга қараб ҳисобга олинса.

$$R_n = R_n \cdot K_c = 4.75 \cdot 1.3 = 6.175 \text{ Ом}$$

Бутун сунъий ерга уланиш қурилмасини ток уришига қаршилиқ қуйидагига тенг бўлади. Шу ҳисоб билан биз шартли жиҳозни ерга сунъий улаш химояси ҳисоби кўрсатилган ва уни умумий қаршилиги 2,3 Ом гатенг бўлиб чиқди, яъни электродлар сони тури танланибди.

$$R_{o,y} = \frac{1}{\frac{\eta_{ot}}{R_n^t} + \frac{n \cdot \eta_{o.m.c}}{n_{mp}^t}} = \frac{1}{\frac{0,32}{6,175} + \frac{5 \cdot 0,65}{45}} = 2,3 \text{ Ом}$$

3. Ёнғин хавсизлиги .


3.1. Бўлимни ёнғин ва портлаш категорияси бўйича аниқлаш. Бўлимда асосан барча машиналар электр токи билан ишлайди, бундан ташқари унда тез ёнувчи қоғоз ва материаллар мавжуд. Бу бўлимда ўз - ўзидан аланга олиш, чақ-наш, портлаш натижасида ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли бор. Чунки ишлаб чиқариш жиҳозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик ангидрид ҳолатлари юз бериши мумкин.

3.2. Ёнғинга қарши сув системасини ташкил қилиш.

Сув ёнғинини ўчиришда энг кўп ишлатиладиган воситадир. Сувёнаётган сиртни совитади, сув буғи ёнаётган модда атрофидаги ёнувчи газлар ва

кислород миқдорини камайтиради. Бино ичига ёнғин жумраклари ўрнатилган, уларга узунлиги 10-20м, бўлган шланглар доимий қилиб улаб қўйилган. Шланг спираль тарзида ўралган.


3.3. Ўт ўчириш воситаларини ташкил қилиш. Бинода карбонад газли ўт ўчиргичлардан фойдаланилади, чунки бу ускуна электр токини ўтказмайди. Шунинг учун улар ток остида бўлган электр қурилмаларни ва катта бўлмаган ёнғинни ўчириш учун ўрнатилган. Мослама бинога киришда жойлашган.



12 Расм. Ўт ўчиргич ОУ – 2; 1- шланг баллони; 2-саблагич;
3-беркитадиган вентил; 4-сифон трубкаси; 5- диффузор.

3.4. Автоматик ўт ўчириш системасини ҳосил қилиш.

Бинода автоматик ўт ўчириш системасини ҳосил қилиш мақсадида спринклер қурилмаси ўрнатилган. Бу тармоқда ҳарорат белгиланган қийматдан ошиб кетганда унга ўрнатилган осон эрувчан металл эриб кетади ва сув йўли очилади. Бу қурилма ёнғин хавфи юқори бўлган жойларга ўрнатилган. Цехни бурчагида ёнғинга қарши шит бор, унда ҳар хил турли унга тегишли, лопаталар, ломлар, багоралар, пақирлар, болталар, қумга яшиқ, сувга бочкалар бор, уларда яна 1 ОХП –ўтўчиргич ва ОУ- ўтўчиргичлар бор. Алоқа телефон орқали, сигнализация эса датчиклар орқали бажарилади. Датчиклар – иссиқдан, ёруғликдан ва тутундан ишлаши мумкин, уни схемаси қуйидагича.



13 Расм. ЭПС схемаси: 1-қилувчиқабул; 2 – симлар; 3-датчиклар.

Хулоса

“Костюм мода тарихи” фанидан “Хитой костюми” булими мавзуларини педагогик технологиялар асосида укитиш услубиёти мавзусидаги битирув малакавий иши укиш давомида олган билимларимни янада мустахкамладим ва хитой костюмлари хакида тулик маълумотга эга булдим.

Битирув малакавий ишини бажаришда берилган мавзуим буйича педагогик технология усулларини куллаб дарс утиш ва замонавий ахборот технологиялари буйича билим бериш усулларини янада яхшироқ урганиб олдим.

Ушбу битирув малакавий ишим кириш, асосий қисм, мавзу асосида укув услубий комплекс яратиш, меҳнат муҳофазаси хулоса ва фойдаланилган адабиётлар каби билимлардан иборат.

Мен укув услубий яратиш булимида коллежда педагогик амалиёт даврида туплаган маълумотлардан ҳам фойдаландим.

Шу билан бирга битирув малакавий ишимни химоя қилишда фойдаланишим учун презентация ишларини бажардим.

Хулоса қилишим мумкинки, битирув малакавий ишимни бажаришим келажакда укувчи ёшларга билим беришдаги малакамни ва касбимга булган қизиқишимни янада оширдим.

АДАБИЁТЛАР

1. И. А. Каримов “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Тошкент, Шарқ, 1998 йил.
2. И. А. Каримов “Ўз келажагимизни ўз қўлларимиз билан қураимиз” Тошкент, Шарқ.
3. И. А. Каримов “Баркамол авлод орзуси” Тошкент, Шарқ, 1999 йил.
4. “Кадрлар таёрлаш миллий дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, Тошкент, “Шарқ нашриёти матбуот концерни”, 1998 йил 62-бет.
5. “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1997 йил 29 август.
6. М. Ш. Жабборова “Тикувчилик технологияси”, Тошкент, “Ўзбекистон” 1997 йил .
7. И. А. Куликова “Проектирование технологических процессов изготовления одежды по индивидуальным заказам”, М, Легкая индустрия, 1976 год.
8. Б. Б. Исаев “Тикувчилик корхоналарининг жихозлари”, Тошкент, “Ўқитувчи” 1986 йил.
9. К. Олимов “Тикувчилик корхоналари жихозлари ва ускуналари” Тошкент 2002 йил.
10. М. Улуғбобоева “Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик жараёнларини лойиҳалаш” услубий кўрсатма 1-2 қисм ФарПи 2007 й.
11. Б. Ю. Хадиев О. М. Абдуллаев И. Иномов ва Г. Абдуллаевлар “Янги педагогик технологиялар” Тошкент 2007- йил.
12. Н. Н. Азизхўжаева “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” Т, ТДПУ, 2004 йил.
13. К. Олимова ва бошқалар “Касб таълими услубиёти”, Тошкент, “Иқтисод молия”, 2006-йил.
14. Ўқув Юртларида билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом.

